

**МАҲМУД ЗАМАҲШАРИЙНИНГ “МУҚАДДАМАТ УЛ-АДАБ”
АСАРИ ВА УНИНГ ЛУҒАТШУНОСЛИКДАГИ ЎРНИ**

Мана 20 асрдан ортиқ давр мобайнида таржимонлар ғоятда муҳим ва сермашаққат вазифани бажариб келмоқдалар. Улар халқлар, миллат ва элатлар ўртасида маданиятларни бир-бирига боғлашдек олийжаноб мақсадга хизмат қилиб келмоқдалар. Халқларининг адабиётдек буюк маънавий бойликдан ўзаро баҳраманд бўлишларига кўмак бермоқдалар.

Тарихда биринчи адабий таржима бундан 21 аср муқаддам юнон таржимони Ливий Андроник томонидан амалга оширилган. У Гомернинг “Одиссея”сини лотин тилига ўгирган [1, 23].

Таржимон барча халқларда яратилган бадиий ижод дурдоналарини юксак қадрлаб, барчанинг бундан баҳраманд бўлишини орзу қилади. Таржимон бир халқнинг маданияти, илмий ва бадиий тафаккур даражаси, характерини бошқаларга очиб беради. Шу билан бирга унинг елкасида жуда оғир юк ва масъулият ётади. Чунки адабиётнинг инсон руҳига таъсир этиши, унинг эстетик завқи, гўзаликка интилишини қадрлаш учун хизмат қилишини доимо ёдда сақлайди.

Маълумки, араблар истилосидан кейин юнон, рум, эрон каби маданиятда илғор мамлакатлар халқларининг меъросини таржима қи-

лиш, уларнинг бой тажрибасини ўзлаштириш араб халифалиги даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Араб тили, унинг Сарфу нахви босиб олинган ерларда мажбурий ўргатила бошланган. Ушбу тилни ўргатиш маҳаллий халқ орасидан тилни билувчи таржимонларни кашф этиш каби муоммоларни вужудга келтирган. Куръони Карим оятлари, ҳадисларнинг маҳаллий халқлар томонидан ўқиб ўрганилиши, уларнинг маъноларини тушунтириб берилиши учун луғатлар тузиш каби вазифалар ўша давр олим ҳамда таржимонлари олдига турган масъулиятли вазифалардан эди. Бу сермашаққат вазифа араб халифалигида “Маъмун академияси”, “Байтул-ҳикма (Донишмандлар уйи)”нинг олимларининг зиммасига тушди. Улар юнон, лотин, чин, сурёний, санскрит, яҳудий, форс тилларида битилган жуда кўп китобларни араб тилига ўтириш билан банд эдилар [2, 131].

Демак, X-XIV асрларда араб халифалигида таржимонлик санъат даражасига кўтарилди. Моварауннахр, Эрон ва бошқа босиб олинган ерларда араб тили грамматикаси пухта ўргатила бошлаган, барча ҳудудларда араб тили давлат тили мақомига эга бўлиб улгурган эди. Араб тилига таржима қилинган илмий ва адабий асарлар орасида араб тили грамматикаси, илоҳиёт, фалакёт, риёзиёт, ҳандаса, фикҳ, табобат, мусиқа, мантиқ, тилшунослик, кимё илимларига оид бўлган китоблар мавжуд. Юнон лотин ва бошқа тиллардан таржима қилинган бебаҳо асарларни ўрганиш ва баҳраманд бўлиши учун эса араб тилини мукамал билиш лозим эди. Араб тилини билмаган ажнабий халқлар учун араб тили грамматикасинининг қонун – қоидаларини ўргатувчи қўлланмалар, дарслик ва луғатлар яратилиши давр талабига айланди. Бундай шарафли ҳамда ўта машшақатли ишга юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома, дунёнинг бирон-бир олимига берилмаган “Устоз уд-дунё” унвони соҳиби Маҳмуд Замахшарий бел боғлади. У араб сарфу нахфига оид бир қанча асарлари билан бирга таржимонлик фаолиятини ривожлантириш ҳамда араб тилида тушуниш қийин бўлган сўз ва иборалар маъносини очиб берувчи бир қанча луғат илмига бағишланган асарларни яратди: Хусусан, “Ал-Муҳожат фил аҳожӣ вал алғоз (Одамларнинг хожати тушадиган сўзлар ва жумбоқлар)”, “Асосул балоғат” (Балоғат асослари), “Ал-Мустақсо фи амсолил араб” (Арабларнинг мақол ва маталларини чуқур ўрганиш), “Ал-Муъжам ул-арабий фориси” (Арабча-форсча умумий луғат), “Жаваҳир ул-луғат” (Сўз жаваҳирлари), “Ал-фоик фи гаърибил ҳадис” (Ғарибул ҳадис луғатидаги айрим ўринларга шарҳлар), “Навабиғ ул-калим” (Нозик иборалар), “Муқаддамат ул-адаб” (Адаб илмига кириш). Юқорида зикр этилган луғатлар ичида “Муқаддамат ул-адаб” асари кўп тилли луғат сифатида тан олинган.

“Бугунги кунда ушбу нодир қўл ёзма асарнинг арабча-форсча-туркий, арабча-туркий, арабча-форсча-туркий-мўғулий, шунингдек айрим маълумотларга кўра, хоразмча ва грекча сўзлик киритилган нусхалари ҳам мавжуд [3, 13].

Ушбу луғат ёзилган даврдан бошлаб, унинг турли тиллардаги муодил нусхалари пайдо бўла бошлаган. Бу эса унинг кейинги даврларда ҳам катта эътибор билан ўрганилганлигига ишора қилади. Асарни тадқиқ этиш ва уни бошқа тилларга таржима қилиш кейинги асрларда ҳам давом этди. Асарга бағишланган илк тадқиқотлардан бири Хожа Исҳоқ Аҳмад Афанди томонидан яратилган “Ақса-л-араб фи таржимати муқаддамат ул-адаб” асари ҳисобланади. Илмий доираларда Аҳмад ибн Ҳайруддин Ал-Гўзалхисорий (ваф. 1120/1708) номи билан машҳур бўлган муаллиф асарни турк тилига таржима қилган. Бу таржима 1313/1895 йили Истанбулда икки жилдада нашр этилган. Асарнинг 1-жилдига исмлар, 2- жилдига феъллар киритилган [4].

Ҳозирга қадар “Муқаддамат ул-адаб”нинг турли мамлакатларда сақланаётган 70 га яқин нодир қўлёзмалари бизгача етиб келган. Мустақиллик йилларида Замахшарий илмий меъроси хусусан унинг “Дунё хазинасига тенг асари” “Муқаддамат ул-адаб”нинг қўлёзмалар нусхаларини аниқлаш, тадқиқ этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Асарга оид йирик тадқиқотлардан бирини немис олим С. Ветештейн амалга оширган. У “Муқаддамат ул-адаб”нинг Европа фондларида сақланаётган еттита нодир қўлёзмаларини қиёслаб арабча-форсча матнини тадқиқ этган ва 1844-1850-йилларда Лейпцигда икки жилдада чоп этган. Унинг биринчи жилдига арабча-форсча матн, иккинчисига арабча сўзликнинг индекси ва лотинча таржимаси киритилган [5].

“Муқаддамат ул-адаб” га бағишланган яна бир муҳим тадқиқот Н. Поппенинг “Монгольский словарь” “Муқаддамат ул-адаб” асари ҳисобланади. Мўғулшунос олим асарнинг Бухорода сақланган XV асрга оид қўлёзмасидаги мўғул ва туркий сўзларни таҳлил қилган, уларни рус тилига таржима қилган. Ушбу асар уч қисмдан иборат. Биринчи, иккинчи қисмга асардаги барча мўғулий сўзлар киритилган ва уларнинг маъноларини таъкидлаш мақсадида туркий шакли ҳам келтирилган. Асардаги мўғулий ва туркий сўзларнинг индекси учинчи қисмида берилган [6, 10].

Машҳур олим Заки Валидий Тўғоннинг ҳам “Муқаддамат ул-адаб” асарига бағишланган тадқиқотлари мавжуд. Жумладан, у асарнинг хоразмийча сўзлиги киритилган қўлёзмасининг факсимиль нашрини амалга оширган. Унга қўлёзманинг топилиш тарихи, “Хоразмликлар маданияти” ҳақидаги мақола киритилган [6, 10].

Польшалик шарқшунос А.Заянчиковский биринчиларидан бўлиб айнан Ёзгат нусхаси билан қизикқан ва 655/1257 йили кўчирилган ушбу қўлёзмадаги ҳайвон номларига бағишланган бобини чоп этган. Шунингдек, олимнинг Эрон ва Туркияда сақланаётган “Муқаддамат ул-адаб” қўлёзмаларига доир мақоласи ҳам мавжуд [6, 10].

Асарга бағишланган йирик тадқиқотлардан яна бири туркиялик олим Нури Юже томонидан яратилган. Олим асарининг Эрондаги Шуштар нусхасини тадқиқ қилиб, чоп этди [6, 11].

Бундан ташқари В. Бартольд, Аҳмад Оташ, Муҳаммад Козим, А. Боровков, К. Менгис, З. Муҳамедов каби олимларнинг “Муқаддамат ул-адаб”нинг турли қўлёзмаларига бағишланган мақолалари ҳам маълум.

Асарни ўрганишда ўзбекистонлик олимларнинг ҳам хизматлари катта. Академик А. Рустамов биринчилардан бўлиб Маҳмуд Замахшарий ва унинг “Муқаддамат ул-адаб” асари ҳақида маълумот берувчи рисола яратган [6, 11].

Шарқшунос олим З.Исломов “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асаридаги туркий феъллар таҳлили” [6, 11] мавзусидаги номзодлик ҳамда “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асарининг қўлёзма манбалари ва арабча-туркий феъллар сўзлигининг йиғма илмий-танқидий матни (Тошкент қўлёзмалари асосида)” [6, 11] мавзусидаги докторлик диссертациясини ёқлаган. Шунингдек, олим томонидан “Муқаддамат ул-адаб”даги арабча-туркий феъллар матнининг йиғма илмий-танқидий матни [6, 11], “Муқаддамат ул-адаб” (манбашунослик таҳлили) [6, 11], “Адаб илмининг дурдонаси” [6, 11] ва шу мавзу доирасида ўттиздан ортиқ мақолалари чоп этилган. М. Ҳакимжонов “Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддамат ул-адаб” асаридаги арабча-туркийча сўзликнинг лексикографик таҳлили (исмлар)” [6, 11] мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Юқоридаги тадқиқот, илмий мақолалар, умуман, “Муқаддамат ул-адаб”нинг қўлёзмалари, уларнинг матнига бағишланган, лекин асарнинг туркий сўзлик киритилган, Хоразмда кўчирилган энг қадимий қўлёзмаси Ёзгат нусхаси шу вақтга қадар махсус тадқиқ этилган эмас. Ушбу нодир нусханинг мукаммал ўрганилиши манбашунослик, тилшунослик ва таржимашунослик олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] – Таржима санъати. Тошкент-1980 йил.
- [2] – П. Шермухаммедов – Яхшилар баҳори ёхуд Маҳмуд Замахшарий даҳаси. – Тошкент, 2010.
- [3] – Исломов З. М. “Адаб илмининг дурдонаси”. –Т.: “Тошкент Ислон Университети”, 2002.

[4] – Xoja Ishoq Ahmad Afandi. “Aqsa-l-arab fi tarjimati muqaddamat ul-adab”. ISTANBUL. Dar at-tiba’a al-amira, 1313 xijriy.

[5] – Wetzstein S. Samachschari Lexicon Arabicum Persicum ex codicibus manuscriptis Lipsiensibus, Oxoniensibus, Vindobonensi et Berolonensi edittit atgue Indicem Arabicum, Lipsiae: 1844-1850. –v. I-II

[6] – Ш.Мирзиётов “Муқаддамат ул-адаб” асарининг ўрганилиши тарихи. ТИУ Илмий-таҳлилий ахборот. – Т., 2006.